



Тошкент Оқшомми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 179 (11.740)

Баҳозир эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Жиззах вилояти ҳокимлигида** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси билан Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг кўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда ёш оилаларга уй-жой қуриш ва сотиб олишда ёрдам беришга доир қонун ҳужжатларининг Жиззах вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

● **Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг** Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясида кўйи палатанинг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқилиши кўзда тутилган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама этилди.

● **Жиззах шаҳрида «Баркамол авлод йили»** Давлат дастури доирасида «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» тадбири бўлиб ўтди. Ундан кўзланган мақсад, вилоят касбухона коллежлари ва академик лицейлари битирувчиларини кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш орқали ёшларнинг бандлигини оширишдир.

● **Фарғона вилояти Бувайда туманида** янги компьютер технологиялари ва сервис коллежи фойдаланишга топширилди. Янги ўқув муассасаси 615 та ўқувчи ўрнига мўлжалланган бўлиб, бу ерда таълим бешта йўналиш бўйича амалга оширилади. Баркамол авлод йилида вилоятнинг шаҳар ва туманларида яна тўртта замонавий коллеж бунёд этилмоқда.

● **Самарқанд шаҳрида «Баркамол авлод йили»** Давлат дастури доирасида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда 217 та корхона ва ташкилот 2630 та бўш иш ўрни ҳамда 374 та квота ўринлари билан қатнашди. Тадбир давомида 743 нафар йигит-қизга мутахассислиги бўйича ишга йўлланма берилди.

ЖАҲОНДА

● **Россия ва Норвегия ўртасида Баренц денгизи ва Шимолий муз океанида ҳамкорлик қилиш юзасидан шартнома имзоланди.**

● **Халқаро валюта жамғармасининг** маълум қилишича, Исроилнинг Ғазо сектори қамалини енгиллатиш тўғрисидаги қарори минтақадаги иқтисодий вазиятга ижобий таъсир кўрсатди.

● **Молдавия ва Хитой техник ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзолади.**

● **Кубада** давлат муассасаларида фаолият кўрсатаётган қарийб ярим миллион хизматчининг ишдан озод этилиши ҳамда хусусий сектордаги корхоналарда иш жойлари кўпайтирилиши маълум қилинди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатда кичик корхоналар фаолиятига шу пайтгача бундай катта эътибор қаратилмаган.

● **Кеча Парижда Эйфель минораси** ҳамда шаҳар атрофига қатновчи поездларнинг «Сен-Мишель» ерости станциясига бомба қўйилганлиги ҳақидаги ёлгон хабардан сўнг минглаб сайёҳлар ва йўловчилар хавфсиз жойга кўчирилди.

● **Кеча Болгариядаги транзит газ ўтказгичда** портлаш рўй берганлиги сабабли Туркияга газ етказиш ишлари чекланди.

● **Жаҳон бозорларида олтин нархи** тарихий энг юқори даражага етди.

● **Венесуэла ҳукмати Пуэрто Ордаз** шаҳри яқинида ҳалокатга учраган Conviasa давлат авиакомпаниясига тегишли Atiri 42 самолётининг 36 нафар йўловчиси омон қолганини расман маълум қилди. Шунингдек, авиаҳалокат пайтида ҳаётдан кўз юмган 15 кишининг ҳам шахси аниқланган.

«Жаҳон» АА,
Берлин



Мустақиллигимизнинг ҳар бир йили юртимиз тарихи саҳифаларига улкан бунёдкорлик, юксам муваффақиятлар йили сифатида зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий таълим, маданият, санъат, тиббиёт муассасалари, корхоналар, уй-жойлар, равион йўллар ва кўприкларни кўрган кўз қувнайди, юракда фахри-ифтихор ҳисси ортади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ОБОД ВА КЎРКАМ БЎЛСИН!

янада обод ва гўзал бўлишига ҳисса қўшишга чорловчи тадбирдир. Олтин куз ҳам кириб келди. Ҳосилларимиз мўл-кўл, хирмонларимизнинг баракасини берсин дея, энди барчамизнинг обдончилиги, кўламазорлаштириш ишларига бел боғлайдиган вақт ҳам келди. Бу борада 15 сентябрдан 15 октябрга қадар эълон қилинган ободонлаштириш ва тозалик ойлиги саъй-ҳаракатларимизнинг ўзинга хос бошлангич босқичи вазиқасини ўтайди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг махсус қарорига мувофиқ ободонлаштириш ва санитар тозалаш ойлиги доирасида ҳамда куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик қилиш ишларини мувофиқлаштириш мақсадида шаҳар ҳокими раислигида ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, унинг таркибига ҳоким ўринбосарлари, барча пойтахт тузилмалари, шу жумладан коммунал хизматлар раҳбарлари киритилди. Ишчи гуруҳи аъзоларига шунингдек, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам қамраб олинган. Ойлик доирасидаги белгиланган вазиқаларнинг тўлиқ ва илҳами этилиши устидан жамоатчилик назорати «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бўлимлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан амалга оширилади. Хусусан, фаол камолотчилар таркибидagi гуруҳлар худудлардаги камчиликларни аниқлаб, уларни бартарф этиш борасида теъор чора-тадбирларни уюштиришга масъул этиб бириктирилади.

Ободонлаштириш ва санитар тозалаш ойлиги давомида кўп қаватли уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича ҳам кенг қамровли ишларнинг амалга оширилиши кўзда тутилган. Ертуларлардаги иссиқлик тизимлари ва бошқа муҳандислик тармоқлари созилиги, кириш йўлакларининг тозаллиги, эшик, ойналарнинг ўрнатилганлиги бўйича қайтадан тафтиш ўтказилиб, уларни тегишли тартибга кел-

тириш ишлари амалга оширилади. Ободонлаштириш тадбирлари доирасида шунингдек турар-жой мавзелари худудларидagi чикинди тўплаш жойлари тозаланади, даракларга шакл берилиб, янги навлар ўтказилади. Ички кўчаларни таъмирлаш, асфальт ётқизиш ишлари ҳам давом эттирилади. Бундан ташқари, турар жойлар кўркини бузаётган ноқонуний қурилмалар олиб ташланиб, гаражлар ҳам тартибга келтирилади.

Маҳаллалар худудига жойлашган корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари томонидан аҳолига ободонлаштириш ва тозалаш ишларида кўмак бериш ниятида ҳашарлар уюштирилади.

Ободонлаштириш ва «Махсустрон» хизматларига уй-жойлар атрофидаги ҳазонларни, шох-шаббаларни йиғиш ва олиб кетилишини ўз вақтида таъминлаш вазиқаси юклатилди. Ҳазонрези мавсумида утилизация ишларини вақтида амалга ошириш учун белгиланган жойларда махсус ўралар ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор берилди.

Бундай хайрли ишларни биз ҳар доим қилиб келганимиз. Демак, бу сафар ҳам ободонлаштириш ойлиги кўчимиз, ҳаракатларимизни бирлаштирган ҳолда албатта ушқоқлик билан ўтиши шубҳасиз. Ҳашар аъсаналари айнан мана шундай — ҳамжиҳат бўлиб, ота-боболаримиз айтганидек, бир ёқадан бош чиқариб, енгларимизни шимариб ҳаракат қилишга ўндайди. Мақсад эса ягона — хонадонларимиз, кўчаларимиз, маҳаллаларимиз, шаҳримиз, озод она юртимизнинг янада обод бўлишига чин дилдан хизмат қилишдир.

Ободлик, саховатшалик, фаровонлик... Халқимизнинг ҳамжиҳатлигини ифода этувчи бу эзгулик ришталари кундалик турмушимизда янада мустаҳкам бўлаверсин. Ишларимиз унумли, саъй-ҳаракатларимиз бардавом бўлсин. Бир-биримизга «Хорманг!» дейишдан ҳеч қачон чарчамайлик.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ!

Мустақиллигимиз туфайли Ватанимиз пойтахти — Тошкент йил сайин гўзаллашиб бормоқда.

Бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни давом эттириш мақсадида жорий йил 15 сентябрдан 15 октябрга қадар азим пойтахтимиз — Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва тозалик ойлигини ўтказиш эълон қилинди.

Халқимизда «Ободлик остонадан бошланади» деган нақл бор. Пурмаъноли бу нақлнинг мазмуни шуки, нафақат хонадонимиз остонаси, балки маҳаллаларимиз, шаҳримиз, бутун юртимиз ҳаммиса

обод бўлмоғи лозим. Азим Тошкентимиз бу борада ҳар доим намуна, пойтахт мақомига яраша ўрнак бўлиши керак. Шундай экан, ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла, корхона, ташкилот ва муассаса — барчамиз шаҳримиз янада обод ва кўркам бўлишига ўз ҳиссамизни қўшайлик.

Туманлар худудлари, мавзе ва маҳаллаларнинг санитар ҳолатини янада яхшилаш мақсадида олиб борилаётган ишларда фаол бўлайлик.

Озод Ватанимиз янада обод бўлсин! Азим шаҳримиз бундан-да гуллаб-яшнайверсин!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТАДБИРКОР

Бозор ва харидор

ХОРИЖНИКИ БИЛАН РАҚОБАТЛАШАДИ

Тадбиркорларимизнинг ташаббус кўрсатиб, изланишлари, ишлаб чиқаришда бугунги кун талабларига мос технологик линиялар, замонавий технологиялардан оқилона фойдаланиши «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрликли рақобатбардош маҳсулотларнинг нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорлигини таъминламоқда.

Бу борада аввало маҳсулотлар сифати, қадоқланиши муҳим аҳамият касб этиб, халқаро андозаларга жавоб бериши экспортни йўлга қўйишда, четдан буюртмачиларни жалб этишда катта роль ўйнамоқда. «Biolaup Kosmetiks» масъулияти чекланган жамияти ҳам фаолият бошлаганига кўп бўлмаганда, ички бозорда ўз ўрнини топиши баробарида ишлаб чиқарилаётган товарларини Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон сингари қўшни давлатларга экспорт қилмоқда.

— Биз ўз фаолиятимизни бошлар эканмиз, олдимизга импорт ўрнини босувчи ва экспортбон маҳсулотлар тайёрлашни мақсад қилиб қўйдик, — дейди корхона директори ўринбосари Саида Хасанова. — Иш бошлаганимизга уч йил бўлсада, ўйлаётганимиз, ана шу мақсадга эришётганимизни муваффақиятларимиз, амалга ошириётган янги-янги лойиҳаларимиз кўрсатиб турибди. Уларни ҳаётга татбиқ этишда эса мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-

лик ривожига қаратилган катта эътибор бизни руҳлантирмоқда. Ана шу эътибор, имконият ҳамда имтиёزلар бизга қўл келмоқда. Барчага аёнки, сифатли, айниқса халқаро талабларга жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун замонавий технологик ускуналар зарур. 40 нафардан зиёд малакали мутахассис томонидан цехларимизга ўрнатилган шундай ускуналар қувватидан мохирлик билан фойдаланаётганлиги, маркетинг ишлари жадал олиб борилаётгани ютуқларимиз гарови бўлмоқда.

Корхонанинг илк фаолияти хусусида тўхталадиган бўлсак, 12 хил крем воситаси тайёрлаш йўлга қўйилган эди. Айни пайтда 103 турдаги косметика, соч ювиш, бўяш воситаларининг ишлаб чиқарилаётганлиги, албатта, бозорда ўзига мос ўрин топишига интилиши далилидир. Асосан маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган ва кўркам дизайнга эга маҳсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда. Эр-

налар келтирилади. Ташкил этилган янги цехда ўндан зиёд ёшларга иш ўринлари яратилади. Иланиш самара беради, деган гап бежизга айтилмайди. Тадбиркорларнинг бугунги кунга келиб эришаётган янги натижаларининг барчаси ана шу изланишлар, янги ташаббуслар туфайлидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2010» кўрик-танловининг Шайхонтохур тумани босқичида «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлган корхона танловнинг пойтахт босқичида муваффақиятли иштирок этиб, шу йўналиш

налар келтирилади. Ташкил этилган янги цехда ўндан зиёд ёшларга иш ўринлари яратилади. Иланиш самара беради, деган гап бежизга айтилмайди. Тадбиркорларнинг бугунги кунга келиб эришаётган янги натижаларининг барчаси ана шу изланишлар, янги ташаббуслар туфайлидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2010» кўрик-танловининг Шайхонтохур тумани босқичида «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлган корхона танловнинг пойтахт босқичида муваффақиятли иштирок этиб, шу йўналиш

бўйича иккинчи ўринни кўлга киритганлиги ҳам юқоридаги фикримизни яққол исботлаб турибди. Бу тадбиркорларни янги марраларга руҳлантириб юборди. Шу боис ҳам режалар бисёр, уларнинг самараси эса янги маҳсулот турларида аксини топади.

Шарифа ИЛЁСОВА
Козим Улмасов олган сурат



Хусусий бизнес

УНУМЛИ ФЙДАЛАНИЛМОҚДА

Хусусий бизнес ривожига қаратилган эътибор боис тадбиркорларимиз сафи ортиб, уларнинг иқтисодиёт ривожига улуши салмоғи кўпайиб бормоқда.

Рўзимурод Номозов ўз ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйишда яратилган имкониятлардан самарали фойдаланаётгани боис ҳам муваффақиятларга эришяпти. Бугунги кунда у очган «Номозов Р» корхонасида замонавий дастгоҳлардан фойдаланиб, маҳаллий хом ашё асосида талаблардан келиб чиққан ҳолда тайёрланаётган кўрпа, ёстиқ ва улар учун жилдлар ўзига хос дизайни, сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда.

— Аввал бозорни, харидор дид ва эҳтиёжини ўрганган ҳолда ички имкониятлардан унумли фойдаланяпмиз, — дейди Рўзимурод Номозов. — Иш бошлаганимизда 2-3 хил маҳсулот тайёрланган бўлса, бугунги кунга келиб улар 20 хилдан ортиб кетди. Энг муҳими маҳсулотларимиз маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб тайёрланишидир. Жорий йилда бозорни ўрганиш асосида яна бир неча янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этишимиз. Бунинг учун айни пайтда дизайнларимиз изланишлар олиб бормоқда.

Тайёрланган маҳсулотлар корхонанинг фирма дўкони орқали харидорларга етказиб берилади. Шунингдек, пойтахтимиздаги 15 та савдо корхоналари билан шартнома тузилган. Шуниси қувонарлики, маҳсулотларга республикаимиз вилоятларидан ва Россия, Қозоғистон сингари давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Тадбиркорлар яқка тартибдаги буюртмаларни ҳам харидор талаб ва тақлифларини ўрганган ҳолда тайёрлаб беришади.

Айни пайтда корхонада ўз вазифасини сифатли равишда ўтказиб берадиган беш нафар мутахассис меҳнат қилмоқда. Уларнинг барчаси изланишда, шу боис бўлса керак, маҳсулот турлари, сифати ортиб, буюртмалар ҳам кўпаймоқда. Бу албатта, ишлаб чиқаришни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Келгусида тадбиркор Рўзимурод Номозов буюртмаларни янада кўпайтириб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришни кўзда тутган. Бугунги савий-ҳаракат эса ана шунга яраша бўлмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг кенг қулоч ёйиши аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, иш билан бандлигини таъминлаш, асосий даромад манбаини юзага келтиришда муҳим аҳамият касб этади. Тадбиркорлик иқтисодиёт ривожининг муҳим омил бўлиб, жамият ижтимоий-иқтисодий барқарорлигининг қоғолати, мамлакатни тараққиётга етакловчи куч ҳисобланади.

Семинарлар

ТАДБИРКОРЛИК — ИҚТИСОДИЙ ДАРОМАД МАНБАИ

Кейинги йилларда тадбиркорлик соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича изчил ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиши, уларнинг тўлақонли фаолият юритиши учун зарур шaroитлар яратиши, кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида имтиёзли кредит тизими яратишга оид бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш ишларига катта аҳамият қаратилмоқда.

Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек номи маҳаллада «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатида олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган семинар ҳам навбатдаги тадбирлар сирасига кирди.

Тадбирда тадбиркорлик субъектларининг давлат солиқ ва статистика идораларида ҳисобга қўйиш билан хабардор қилиш асосида рўйхатдан ўтказиш тартиби, рўйхатдан ўтказувчи идоралар, уларнинг ваколатлари ҳамда мажбури-

ятлари, ҳуқуқ ва манфаатлари, давлат рўйхатидан ўтказиш муддатлари ва расмиyllаштириш учун талаб қилинадиган таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтишни рад этиш учун асослар ҳамда мазкур Низомда белгиланган бошқа қоидалар соҳа мутахассислари томонидан иштирокчиларга тушунтириб берилди. Тадбирда тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик фаолиятига назорат идораларининг аралашуви, ўтказиладиган текширишлар салмоғини қисқартириш каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Мутахассислар томонидан тадбиркорларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоблар берилди.

Маъмуржон ТҲҲИЕВ,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Хунари гўзал

ЭЛГА ТАНИЛМОҚДА

Ота-боболаримиздан мерос хунар сирларини мукамал эгаллаб, жозибали маҳсулотлари билан элга танилаётганлар орасида ёғоч ўймақори Шерзод Қодирқуловни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Шерзод болалигидан миллий хунармандчилиқнинг ёғоч ўймақорлиги йўналишига меҳр қўйди. Мактабда ўқиб юрган даврларидаёқ хунармандчилик тўғрисида фаол қатнашди. Ҳозирда ўзи мустақил фаолият кўрсатаётган Шерзод Қодирқулов унга хунар сирларини мукамал ўргатган, ҳар бир ишини синчковлик билан кузатиб, камчиликларини тузатган, лозим топганда муносиб баҳосини берган устози Тоир Файзуллаевдан беҳад миннатдор.

— Устозим мендаги хунарга бўлган меҳрни тўғри англаб, ҳар бир ишимда катта ёрдам берди, — дейди Шерзод Қодирқулов. — Бундан, албатта, ёғоч ўймақорлиги бўлган қизиқишим янада ортди, сир-асорларини мукамал ўрганишга киришдим. Бугун эса янги-янги эскизлар асосида турли маҳсулотлар яратяпман, буюртмаларни сифатли бажармоқдаман. Ҳар бир ишимда устозларим ўғитига амал қиламан, уларнинг тажрибаларини ижодий қўллаяман.

Айни пайтда Шерзод ҳам устозлар қаторидан ўрин олишга интилиб, кўплаб шогирдлар тайёрлашга киришган. Хунарга қизиқувчи ёшларга меҳрибон ва талабчан устоз бўлишга интилмоқда.

Моҳир ёғоч ўймақори ўз ишлари билан мамлакатимизда ўтказилаётган кўрик-танлов, кўргазмаларда, бошқа кўллаб тадбирларда фаол қатнашмоқда. Эндиликда у ўз маҳсулотларини халқроқ ямаркаларда намойиш этишни мақсад қилган. Ўзбек хунармандчилиғи доврўғини оламга таратишда муҳим ҳисса қўйишга аҳд қилган уста изланишдан асло чарчамай, янги маҳсулотлар эскизини яратмоқда.

Дилноза ГИЁСОВА

Сўранг, жавоб берамиз

ҲАМИША ҲИМОЯДА

Республикаимиз Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текшириш янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида тадбиркорлар фаолияти ривожини учун нималар кўзда тутилган? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

Зулфия Мардиева,
Юнусобод тумани

— Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, Президентимиз томонидан қабул қилинаётган қатор Фармон ва қарорлар асосида ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ташкил қилишнинг янада тартибга солиш, текширишлар сонини камайтириш, турли назорат органлари томонидан амалга ошириладиган текширишлар параллелчилик ва такрорлаш ҳолатларига барҳам бериш, уларнинг корхоналар ҳўжалик фаолиятига иқтисодий зарар етказувчи асосиз аралашувига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг манфаатларини қўлаб текширишларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмининг янада такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими мутахассиси Фирдаус Мансуров. — Бевоқиф саволга жавоб берадиган бўлсак, жумладан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини қисқартириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текшириш янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган.

Мазкур фармонга кўра, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжалиқларининг молия-ҳўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилиши, янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжалиқларининг молия-ҳўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмаслиги белгиланган.

Тадбиркорларимизга шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, албатта тадбиркорлик фаолияти билан шўғуланувчи ҳар қандай шахс амалдаги қонун талабларига риоя этган ҳолда ўз фаолиятини олиб борса, бирон-бир текширишдан чўчимаслиги лозим. Чунки қонунга итoатқор тадбиркор давлат ҳимоясида бўлиб, унга ҳамиша омад ёр бўлади.

ЕТАКЧИ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ АГЕНТЛИКЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ «БАРҚАРОР» ДЕБ БАҲОЛАМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

2009 йилда умумий кредитлар ҳажми сезиларли даражада ошди. Айни вақтда, аҳоли омонатларининг ўсиши юридик шахслар депозитлари ўсишдан юқори бўлди ва бу тенденция давом этиши мумкин. Ликвидликнинг асосий кўрсаткичлари келгуси 12-18 ой мобайнида ҳам ўзгаришларсиз сақланиб қолади ва ҳар қандай кўзда тутилмаган ҳаракатлар орқали қопланиши мумкин. Халқаро молия бозорларидаги юз берадиган ўзгаришлар Ўзбекистон банкларига сезиларли даражада хавф сола олмайд, чунки молиялаштиришнинг чет эл валютасидаги ташқи манбалари банк тизими жами мажбуриятларнинг 15 фоизидан ошмайди.

Ўзбекистондаги аксарият банкларнинг ликвидлиги, халқаро рейтинг агентликлари томонидан «барқарор» деб баҳоланган. Ўтказилган «стрестс»лар банк тизимида ликвидликнинг кескин ўзгаришчанлик эҳтимоли пастигини кўрсатди. «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги таҳлилчилари яқин келажакда Ўзбекистон банклари ликвидлигига ҳеч қандай сезиларли хавф қўтилмаётганини таъкидлади. Халқаро молия бозорларидаги ликвидлик ҳолати Ўзбекистон банкларининг ликвидлигига салбий таъсир ўтказма олмайд.

«Мудис» халқаро рейтинг агентлиги экспертларининг эътирофи эътиҳон. Ўзбекистон ҳукумати томонидан қўрилган зарур чора-тадбирлар, глобал инкироз даврида қўтилмаган таҳдидлар билан курашишига тўғри келган бошқа давлатлардан фарқи равишда, асосан, узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, фавқулодда чоралар қўришни талаб этмайди. Шу муносабат билан, уларнинг прогнози бўйича банкларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг узоқ муддатга мўлжаллангани давлатнинг банк тизимидан «тезда чиқиб кетиш» хавфини чеклайди ва бу банк тизими учун ижобий омил ҳисобланади.

«Мудис» халқаро рейтинг агентлигининг Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарорлиги борасидаги фикрига бошқа нуфузли халқаро рейтинг агентлиги — «Стандарт энд Пурс» ҳам қўшилиган.

«Стандарт энд Пурс» таҳлилчилари Ўзбекистон банкларининг халқаро молия бозорларига нисбатан камроқ боғлиқлиги ва уларнинг ташқи қарзлари ҳажми бошқа давлатларга, жумладан, қўшни Россия, Украина ва Қозоғистон банкларидан нисбатан пастиги мамлакат банк тизимини халқаро молия бозорларида учрайдиган салбий жараёнлардан ҳимояланганини таъкидлайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ҳукумати банк тизимини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолиятини тартибга солиш бўйича пухта ўйланган тадбирларни амалга оширди. «Тартибга солувчи органлар банк тизими устидан доимий, деярли кунлик назоратни ўрнатган. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунгача ушбу тартибга солиш тажрибаси ижобий, авваламбор, яъни, Ўзбекистон банкларида, мисол учун, Қозоғистон банкларидан фарқи равишда, ташқи қарзлар бўйича дефолт ҳолати йўл бермади» деб, алоҳида таъкидлайди «Стандарт энд Пурс» экспертлари. «Ўзбекистон ўзининг ўзига хос ва ўзига мос иқтисодий йўлини ташлашда ички талабни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва иқтисодиётини диверсификация қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Табиийки, бу йўналишда муваффақиятлар бор, чунки маҳсулотни қайта ишлаш тармоқлари жадал ривожланмоқда. Агар айрим кўрсаткичлар ҳақида сўз юритиладиган бўлса, шунини таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ўз иқтисодиётида ижобий ўсиш сурьатларини сақлаб қолишга муваффақ бўлмоқда. Расмий маълумотларга қараганда, ўтган йили Ўзбекистонда янги ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоиз атрофида бўлди. Глобал молиявий инкироз авжига чиққан пайтда ҳам Ўзбекистонда иқтисодий пасайишнинг қузалилмаганлиги ҳисобга олинса, бу, шубҳасиз, Ўзбекистон ҳукумати нечоғлик тўғри иқтисодий сиёсат юритаётганини яққол кўрсатади», деб таъкидлайди «Стандарт энд Пурс» экспертлари.

«Энг муҳими, Ўзбекистон банк тизими дунёдаги санокли мамлакатлар қаторида кредитлаш ҳажмининг ўсиб боришини намoён қилмоқда. Бунда, асосан, глобал инкироз таъсирини камайтиришга йўналтирилган иқтисодиётни давлат томонидан рағбатлантириш чора-тадбирлари муҳим омил бўлмоқда», деб алоҳида таъкидлайди «Стандарт энд Пурс» таҳлилчилари.

КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ

Юнусобод туманидаги 272-мактабда «Компьютер саводхонлиги ва Ziyonet тармоғидан самарали фойдаланиш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Юнусобод тумани халқ таълими бўлими ташаббуси билан уюштирилган семинарда Халқ таълими вазирлиги қошидаги Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва Ziyonet бўлими ходимлари, ўқитувчи-педагоглар, мактаб ахборот-ресурс марказлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг янги услублари хусусида тўхталинди. Бугунги кунда «онлайн» мулоқот турлари: электрон почта, форум, веб-саҳифа, электрон хабарномалар, махсус мулоқот қилиш дастурлари, веб-кўтубхона тармоғининг кенгайиши ўқувчиларнинг таълим олишида кўмакчи вазифасини ўтаётгани.

Семинарда фанлар бўйича бериладиган билимлар узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш соҳасида етакчи мамлакатларда тўплаган педагогик тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ёндашувларни умумлаштириш, улардан амалиётда фойдаланиш йўллари билан баҳолаб бериш муҳим эканлиги таъкидланди.

— Соҳанинг ягона тармоғи саналган Ziyonetдан фойдаланиш усуллари, таълим жараёнида ахборот технологияларини жорий этиш ҳамда ўқитувчи-педагогларни ягона виртуал тармоққа бирлаштиришда ушбу порталнинг тўтган ўрни жуда муҳимдир, — дейди «Туркестон-пресс» муҳбирига туман халқ таълими бўлими ахборот-таҳлил маркази раҳбари Улуғбек Суенов. — Айниқса масофавий ўқитиш тобора кенгайиб бораётганлиги ва самарасининг юқори даражага кўтарилишида мазкур тизимнинг ўрни беқийс.

Семинарнинг муҳим хусусияти шундаки, соҳа ходимларига кенг тушуналар бериш билан бирга амалий машғулотлар ҳам ўтказилди.

Азима ҚИЁСОВА

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, ёшлар – мамлакатимизнинг келажоги, таянчи ва ишончидир. Олдимизга қўйилган юксак мақсадларга эришиш эса уларни қандай тарбиялашимизга боғлиқ.

Шу боис, деб хабар беради ЎзА шарҳловчиси, Ўзбекистонда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда Баркамол авлод йили деб эълон қилинган жорий йилда бу йўналишдаги ишлар кўлама янада кенгайди. "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан "Ўзбекистон ёшлари: уларнинг ҳаётий ва ижтимоий мақсадлари, маънавияти" мавзuida ижтимоий тадқиқот ўтказилди.

Ёшларнинг ижтимоий мақсадлари уларнинг ҳаётда ўз ўрни ва вазифаларини англаши ҳамда амалга ошириши учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади. Жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ўтказилган мазкур сўров шунини кўрсатдики, Ўзбекистоннинг замонавий ёшлари мустақиллигимизни энг олий қадрият, деб билади, Президент Ислам Каримов раҳнамолигида рўёбга чиқарилаётган ислохотлар йўналишларини қўллаб-қувватлайди. Булар ёшларимизнинг ижтимоий-сиёсий тафаккурини белгиловчи муҳим омиллар ҳисобланади.

Истиқлол йилларида ёшлар ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари уларнинг юксак даражада маълумотга эга эканини кўрсатмоқда. Ўзбекистон ёшларининг ҳаётдаги асосий мақсади пухта билим олиш, касб эгаллаш ва камолотга интилиш экани тобора аққол намоен бўлмоқда. Сўровда қатнашган йигит-қизларнинг ярами ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топишда бу ниҳоятда муҳим, деб билади.

Навбатдаги тадқиқот давомида мамлакатимиз ёшларининг 70,1 фоизи муҳим ижтимоий қадрият – олий маълумотга эга бўлишни ўзлари учун устувор мақсад эканини қайд этган.

Бугунги кунда ёшларимиз кўпроқ пе-

дагог, иқтисодчи, тиббиёт ходими, муҳандис, ҳуқуқшунос каби касбларни эгаллашга ҳаракат қилмоқда.

Бу борада улар ўз имкониятларини юқори баҳоламоқда: аксарият йигит-қизларимиз олий ўқув юртига ўқишга киришга ишонади.

Замонавий ёшлар, айниқса талабаларнинг хорижий тилларни, жумладан, инглиз, араб, француз ва немис тилини билиш даражаси ҳам ошиб бораёт-

нинг юқори малакали ёш мутахассисларга бўлган реал эҳтиёжини ҳисобга олиш алоҳида аҳамият касб этади.

Яна бир муҳим жиҳатни қайд этиш зарур – мамлакатимиз ёшлари юксак маънавиятга эга бўлиш масаласига янада улкан аҳамият бермоқда. Тадқиқот аксарият йигит-қизлар (90 фоиздан орტიқ) давлатимиз раҳбарининг ёш авлод маънавиятини ошириш борасида юритаётган сиёсатини юқори баҳолашни кўрсатди.

Ёшлар ҳалоллик, ўз халқи тарихини яхши билиш, қалб беғуборлиги, миллий анъаналарни ҳурмат қилиш, миллий айтихор туйғусининг юксаклиги, камтарлик, миллий ва диний бағрикенглик, экстремизмни қабул қилмасликни маънавият билан боғлиқ асосий

ни яхши ва ўртача деб билади. Олинган маълумотлар таҳлили эса Ўзбекистон ёшлари мамлакатимиз Конституцияси ҳамда асосий ҳуқуқий кодекслари етарли даражада яхши билишдан далolat беради. Аксарият ёшларнинг фикрича, маълумотга эга бўлиш ва ишга жойлашиш уларнинг ўз ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдан манфаатдорлигини оширишга ёрдам берадиган омиллар ҳисобланади.

Ёшларимизнинг кўпчилиги келажакка мўлжалланган ўз режаларига эга бўлиб, улар асосан олий маълумот олиш ва яхши мутахассисликка эга бўлиш, мустақам оила қуриш, тадбиркорлик соҳасида ўз ишини ташкил қилиш билан боғлиқ.

Сўровда қатнашган аксарият йигит-қизлар Юртбошимизнинг ёшларга кўрсатаётган гамхўрлигини юксак баҳолайди. Бу, авваламбор, уларнинг билим олиши учун ҳар томонлама имкониятларнинг яратилаётгани, иқтидорли ёшлар давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани, ёш авлод турмуш даражаси ва фаровонлиги оширилаётгани, саломатлиги мустақамланаятгани, спортни ривожлантиришда ўз ифодасини топомқда.

Умуман, сўров ёшларимизнинг ижтимоий кайфияти юқори эканини кўрсатди. Йигит-қизларимиз мамлакатимизда қарор топган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик шароитида ўзини ишончли ҳис қилмоқда ва бу уларга ўз мақсадлари, имкониятлари ҳамда истиқболини юқори баҳолаш имконини бермоқда. Сўровда қатнашган ёшларнинг 79,4 фоизи ўз ҳаётидан мамнуллигини, истиқлол йилларида мамлакатимиз қўлга киритган муваффақиятларини ҳимоя қилишга, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этишга тайёр эканини таъкидлади. Ўзбекистон ёшлари келажакдаги режаларини рўёбга чиқариш учун ўз имкониятларини кенгайтиришга қаратилган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида Л.ПАК тейёрлади

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ: ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯ ВА ИЖТимоий МАҚСАДЛАР

ганини таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, уларнинг компьютер саводхонлиги ҳам ортиб бораётди, сўров қатнашчиларининг қарийб ярами интернетдан бемалол фойдаланади.

Сўров натижаларига кўра, кўпчилик йигит-қизлар эгаллаган касби, шунингдек, иш ҳақи ва меҳнат шартларидан қониқади.

Шу билан бирга, сўров давомида ёшларнинг тадбиркорлик соҳасига қизиқиши юқори экани аниқланди. Мухтасар айтганда, Ўзбекистон ёшлари бозор тўзимларини, хусусий секторда қандай қилиб муносиб ўрин эгаллашни яхши билади.

Тадқиқот шунини кўрсатдики, ёшларнинг касб эгаллаши борасидаги ўзгаришлар уларнинг ижодий фаоллиги ва ташаббускорлигини, ишда ўзини намоен этишининг янги шаклларини рағбатлантиришга хизмат қиладиган механизмларни яратиш зарурлигини тақозо этади. Бунда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар-

хусусиятлар, деб билади.

Сўров мамлакатимиз ёшларининг Вантанга муҳаббат ва садоқат туйғуларига юқ юксак эканини кўрсатди. Улар ватанпарварлик туйғусини эл-юртга муҳаббат, унга сидқидилдан хизмат қилиш, Ватанини ҳимоя қилишга ҳар доим тайёр туриш каби фазилатлар билан боғлиқ ҳолда тасаввур қилади. Бу борадаги ўз нуктаи назарини ҳақиқий ватанпарвар сифатида ифода этади.

Ўзбекистон ёшларининг маънавий ҳамда миллий ўзлигини англаши мамлакатимизнинг порлоқ келажакка қатъий ишонч асосида шаклланимоқда. Масалан, сўровда иштирок этган ёшларнинг кўпчилиги (96,5 фоизи) Ўзбекистон келажакда буюк давлат эканига қатъий ишонади.

Тадқиқот натижалари шунини кўрсатдики, ўзининг ҳуқуқий саводхонлик даражасини асосли равишда баҳолаш йигит-қизларимизга хос хусусият бўлиб, улар ўзларининг ҳуқуқий саводхонлиги-

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЕАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Аукцион савдосига такроран Мировод тумани СИБ томонидан қўйиладиган мулклар қўйилмоқда.

Тошкент ш. ИИББ Ахборот маркази далилий ашё сақлаш омборида сақланаётган: 1. ЖИБ Юнусобод тумани судининг 18.09.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "ЕРА3-76201" русумли, д/р 10M7464А бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 783 000 сўм. 2. ЖИБ Тошкент вилояти судининг 03.10.2007 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "Алкан-13" русумли, д/р 19A722 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 402 000 сўм. 3. ЖИБ Чилонзор тумани судининг 23.05.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "BA3-21011" русумли, д/р 10S7565 бўлган, 1979 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 900 000 сўм. 4. ЖИБ Учтепа тумани судининг 26.08.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "BA3-2101" русумли, д/р 30E6146 бўлган, 1974 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 689 000 сўм. 5. ЖИБ Хамза тумани судининг 16.07.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "БМВ-520 I" русумли, д/р 30C9322 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 470 000 сўм. 6. ЖИБ Учтепа тумани судининг 27.07.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "BA3-21063" русумли, д/р 10V1164 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 370 000 сўм. 7. ЖИБ Мировод тумани судининг 17.08.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "БМВ" русумли, д/р 10C0947 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 750 000 сўм. 8. ЖИБ Учтепа тумани судининг 03.10.2008 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "Москвич-412" русумли, д/р 30T9917 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 167 000 сўм. 9. ЖИБ М.Улуғбек тумани судининг 21.05.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "BA3-21099" русумли, д/р 11L8805 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 123 000 сўм. 10. 06.04.2010 йилдаги 36520/24-сонли ижро ҳужжатига асосан "Матиз" русумли, д/р 30W9658 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 9 064 000 сўм. 11. 27.04.2010 йилдаги 4562/24-сонли ижро ҳужжатига асосан "GA3-31029" русумли, д/р 30C2291 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 196 000 сўм. 12. 06.04.2010 йилдаги 3660/24-сонли ижро ҳужжатига асосан "GA3-2417" русумли, д/р 30Q3293 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 561 000 сўм. 13. 10.03.2010 йилдаги 3129/24-сонли ижро ҳужжатига асосан "BA3-21063" русумли, д/р 30B4072 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 643 000 сўм. 14. 06.04.2010 йилдаги 3645/24-сонли ижро ҳужжатига асосан "BA3-2105" русумли, д/р 20D091AA бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 637 000 сўм. 15. 21.01.2010 йилдаги 931/18-сонли ижро ҳужжатига асосан "BA3-21070" русумли, д/р 10AZ269 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 824 000 сўм.

Тошкент ш. Божхона бошқармаси 11-масканида сақланаётган: 16. ЖИБ Юнусобод тумани судининг 16.06.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "БМВ-525" русумли, д/р йўқ, и/ч йили номалум автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 11 664 000 сўм. 17. ФИБ Учтепа туманлараро судининг 07.05.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "Жип Ленд Ровер" русумли, д/р йўқ, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 31 115 000 сўм. 18. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 13.10.2006 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "MOA3-546-П" русумли, д/р 55-99EP бўлган, 1985 йилда и/ч, Тошкент ш. "Узтемирйўлмаштаъмир" да сақланаётган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 663 000 сўм. 19. ЖИБ Сергели тумани судининг 23.12.2008 йилдаги ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар 1-сонли автоташмирлаш заводидан жойлашган, Р.Х.Мирзахмедовага тегишли бўлган 12 номдаги терини қайта ишловчи машина ва ускуналар. Бошланғич баҳоси – 3 038 000 сўм.

Тошкент ш. Божхона бошқармаси "Файзобод божхона" омборида сақланаётган: 20. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 17.11.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "Нексия" русумли, д/р 10F3915 бўлган, и/ч йили номалум, Тошкент ш. Божхона бошқармаси "Файзобод божхона" омборида сақланаётган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 136 000 сўм. 21. 06.04.2010 йилдаги 3663/24-сонли ижро ҳужжатига асосан "Нексия" русумли, д/р 11G5272 бўлган, и/ч йил номалум автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 136 000 сўм. 22. 06.04.2010 йилдаги 3662/24-сонли ижро ҳужжатига асосан "Нексия" русумли, д/р 10D8665 бўлган, и/ч йил номалум автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 136 000 сўм. 23. 06.04.2010 йилдаги 3665/24-сонли ижро ҳужжатига асосан "Нексия" русумли, д/р 10S9486 бўлган, и/ч йил номалум автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 236 000 сўм. 24. 08.09.2009 йилдаги 10880/11-сонли ижро ҳужжатига асосан "MA3-35334" русумли, д/р 30B1963 бўлган, 1982 йилда и/ч, Тошкент ш., Зангиота т., Тинчлик маҳалласи, Наврўз кўчасида сақланаётган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 61 935 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 28 сентябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган мулклар билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтайтилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банк» Сағбон ф-даги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

ТАДБИР САМАРАЛИ БЎЛДИ

Янги ўқув йили бошланиши билан кўчалар ва жамоат транспорти яна болалар билан гавжумлашди. Бундай шароитда фарзандларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш янада долзарб аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан тегишли ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда мамлакатимизда анъанавий "Диққат, болалар!" тадбири ўтказилди.

2-10 сентябрь кунлари ўтказилган тадбир доирасида йўлларда ҳаракатланмиш хавфсизлигини таъминлаш, болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари янада кучайтирилди. Тадбир давомида қўллаб урчуллар ва суҳбатларнинг ўтказилди. Йўллар ва ўқув муассасалари атрофида ҳаракат

хавфсизлиги билан боғлиқ панно ва баннерлар ўрнатилди. Мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ўқув муассасаларига олиб борувчи йўллар ва кўчалар кўриқдан ўтказилди. Аниқланган камчиликлар бартараф этилиши барибарабди, мингта яқин йўл белгиси янгисига алмаштирилди. Мактабларга бириктирилган соҳа ходимлари ўқувчиларини, айниқса, мактаб ўқувчиларини қадрам қўйган болаларни йўл ҳаракати қоидалари билан таъминлаш, уларда ҳаракатланмиш хавфсизлиги кўникмаларини ҳосил қилишда яқиндан кўмаклашди. Шу билан бирга, мактабларда болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ҳолатлар доимий

назоратга олинди. Таълим тизимига фан сифатида киририлган йўл ҳаракати қоидалари дарсининг самарадорлигини оширишда педагогларга яқиндан ёрдам кўрсатилди. Мактабларда ҳаракат хавфсизлиги бўйича синфлар, бурборидар ва махсус автомайдончаларни жиҳозлашда амалий ёрдам берилди. Ўқувчилардан ташкил топган "Ёш йўл назоратчилари" гуруҳлари фаолияти янада тақомиллашди.

Изчил амалга оширилаётган бундай тадбирлар ўз самарасини бераётди. Болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари йилдан-йилга камаётгани бунинг далилидир.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА МУХБИРИ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Республика кўп тармоқли Агросанат биржаси Тошкент филиали баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига М.Улуғбек тумани СИБ томонидан 1.Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Оққўрғон кўчасида жойлашган тўрт қаватли бинонинг тўртинчи қаватидаги майдони 43,05 кв.м бўлган 1 та яшаш хонасидан иборат бўлган 26-уй, 54-хонадон қўйилмоқда, бошланғич нархи – 38 300 000 сўм. 2.Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Шукур Бурхонوف кўчаси 1 уйда жойлашган беш қаватли бинонинг бешинчи қаватида жойлашган 3 та яшаш хонасидан иборат бўлган 2-уй, 29-хонадон қўйилмоқда, бошланғич нархи – 120 862 937 сўм.

Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 1.Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 20-мавзе кўчасида жойлашган яшаш майдони 41,38 кв.м дан иборат бўлган 9-уй, 80-хонадон қўйилмоқда, бошланғич нархи – 22 325 379 сўм. 2.Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, 11-мавзе кўчасида жойлашган яшаш майдони 29,87 кв.м дан иборат бўлган 41-уй, 65-хонадон қўйилмоқда, бошланғич нархи – 11 068 622 сўм. Бектемир тумани СИБ томонидан 28.06.2010 йилдаги № 1-338 сон ижро варақ, асосан Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази далилий ашёларни сақлаш омборхонасида сақланаётган 2007 йилда и/ч дав.бел. 01 С 958 ЕА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 12 815 470 сўм. 1.Юнусобод тумани СИБ томонидан 28.04.2009 йилдаги № 7241-42/13-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 17-мавзеда жойлашган 3 хонадан иборат бўлган 32-уй, 48-хонадон қўйилмоқда, бошланғич нархи – 59 947 848 сўм., 2.28.04.2009 йилдаги № 7241-42/13-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 7-мавзеда жойлашган 4 хонадан иборат бўлган 34-уй, 27-хонадон қўйилмоқда, бошланғич нархи – 57 452 561 сўм.

Аукцион савдосига Тошкент тумани СИБ томонидан 17.05.2010 йилдаги № 6089 сон ижро варақ, асосан Тошкент вилояти, Тошкент тумани, ЖИБ биносидан сақланаётган 1976 йилда и/ч дав.бел. 11 F 99-22 бўлган "Ваз-2103" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 925 491 сўм. Аукцион савдолари 2010 йилнинг 21 октябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳи-

мов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари такрорий аукцион савдолари 2010 йилнинг 11 ноябрь куни бўлиб ўтади.

2010 йил 7 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган такрорий очик аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда.

Чиноз тумани СИБ томонидан аукцион савдосига Қиёрай тумани «Аргин Савдо» ва «Чиноз Матлубот инвест» омборларида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари аукцион савдоларига қўйилмоқда: 1. 16.10.2008 йилдаги № 1-237/07 бўлган – сон ижро варақсига 1980 йилда и/ч, дав.бел. 30 Т 1597 бўлган «КАМА3-5320» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 8 112 433 сўм. 2. 02.03.2010 йилдаги № 933-сон ижро ҳужжатига асосан МЧЖ «Чиноз Матлубот инвест» омборхонасида сақланаётган 1992 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 11 С 4295 бўлган «BA3-21063» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 2 948 609 сўм.

Юнусобод тумани СИБ томонидан аукцион савдосига 02.02.2009 йилдаги № 2810-сон ижро ҳужжат. асосан 2006 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 10 С 0707 бўлган «Ниссан Армада» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 66 336 000 сўм. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини хар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАС-Бининг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипо-тека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтайтилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: ДВ 001 №000003

2010 йил - Баркамол авлод йили

ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Халқимиз азал-азалдан саховат, меҳр-оқибат ва болаларга эътибор бобида бошқаларга ибрат бўлиб келган. Жорий йилнинг Баркамол авлод йили деб номланиши замирида ҳам айнан соғлом авлоднинг вояга етказиши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиши, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланмиш оилаларни ҳар томонлама ҳимоя қилиши каби хайрли мақсадлар мужассам.

Баркамол, ҳар томонлама соғлом авлодни албатта маънан ва руҳан соғлом инсонгина тарбиялаб вояга етказиши. Шундай экан, бахтли оила қуриш оstonасида турган ҳар бир йигит-қиз ўз келажоги ҳақида, гўзал турмуш ва соғлом фарзандни дунёга келтириш учун ҳар томонлама соғлом бўлиши кераклигини тушуниши, соғлиги ҳақида ўзи қайғуриши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш ҳақида»ги қарорида белгиланганидек, миллатдан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланган ҳар бир шахснинг никоҳ шартларидан бири бўлган тиббий кўриқдан ўтиши мажбурийдир. Никоҳланувчи ёшларнинг тиббий кўриқдан ўтиши учун давлат бюджетидан маблағ ажратилган бўлиб, ушбу кўриқлар мутлақо бепул амалга оширилади.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: фуқароларнинг саломатлиги, келажоги ҳақида давлатимиз қайғураётган бир пайтда, нега ёшларимиз, айрим вақтларда баъзи катталар ҳам бунга бепарқ қарайдими? Иш жараёнида шундай ҳолатларга ҳам дуч келамизки, никоҳдан ўтаётган фуқароларимиз тиббий кўриқдан ўтиш шарт эмас ёки мен мутлақо соғломман дея, тиббий кўрик натижаларини ҳам кўтмасдан никоҳ маросимини ўтказишга шошилади. Ҳолбуки тўйдан кейин турли касалликлар юзага чиқиб ёхуд яширилган жиддий сабаблар тўғрисида эндигина қурилган оила турли нохушликларга дуч келмоқда. Яқин қариндошлар ўртасида қурилатган оилалар тўғрисида эса ногирон ёки бирор нуқсон билан туғилаётган гўдаклар жамият оғриғига айланмоқда. Республикаимиз Президентини Ислам Каримовнинг 2008 йил 18 июндаги «Болалиқдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ҳам яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳдан носоғлом фар

АЁЛ СОҒЛОМ БЎЛСА, АВЛОД СОҒЛОМДИР

Пойтахтимизда Республика аёллар спорт фестивали ва Республика гимнастрадаси бошланди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг спортга кенг жалб қилиши, бу борада зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар баркамол авлодни вояга етказиш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини мустаҳкам қарор топтиришда муҳим омили бўлмоқда.

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт-соғломлаштириш мажмуасида Республика хотин-қизлар кўмитаси томонидан Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Миллий Олимпия кўмитаси, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, «Ватанпарвар» ташкилоти, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган Республика аёллар спорт фестивали ва Республика гимнастрадаси фестивали ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган ушбу спорт байрамининг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш йўлида уларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун зарур бўлган барча шароит ва имкониятларни яратиш, қизларни оммавий спортга кенг жалб этиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар юқсак самаралар бераётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони бу борада муҳим омили бўлмоқда.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Республика аёллар спорт фестивали ва Республика гимнастрадаси фестивали жорий йилда «Аёл соғлом бўлса, авлод соғломдир» шиори билан ўтмоқда. Тадбирларда мамла-

катимизнинг барча ҳудудларидан олти юзга яқин уй бекалари, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчилар, талаба-қизлар қатнашаётгани аҳамиятлидир. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг спорт мажмуаси ва «Универсал» спорт саройида бўлиб ўтаётган мусобақаларда иштирокчилар спортнинг волейбол, теннис, атлетика, стол тенниси, шахмат, дартс, сузиш, гимнастрада каби турлари бўйича ўзаро куч синашадилар.

Юртимизда аёлларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор ҳар бир оиланинг кундалиқ турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, — дейди ЎЗА муҳбирига урганчлик Санамжон Примова. — Мен туманимиздаги спорт мажмуасида волейбол билан мунтазам шуғулланман. Бу саломатлигимни янада мустаҳкамлаш, ўзимни бардам ва тетик ҳис этиш, оиламда соғлом муҳитни қарор топтиришда муҳим омили бўлаётди.

Бухоролик Мастура Остонава Республика аёллар спорт фестивалида дартс бўйича иштирок этмоқда. Унинг айтишича, вилоятда хотин-қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит мавжуд. Шу боис вилоятда турли спорт турнирлари, марафонлар, спартакиадаларда иштирок этаётган аёллар сафи тобора кенгаймоқда.

Саломатлик ва гўзаллик байрамига айланган ушбу фестиваль доирасида қатнашчилар тиббий кўриқдан ўтиб, зарур маслаҳатлар олиш имконига ҳам эга бўладилар. Айни пайтда турли маданий-маърифий тадбирлар, концертлар, ижодий учрашувлар, Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор масканларига саёҳатлар ташкил этилиши кўзда тутилган.

Нафосат ва гўзаллик байрамининг тантанали очилишида санъат ва спорт усталари, ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Фестивалнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Ақбарова сўзга чиқди.

Пойтахтимизда бошланган Республика аёллар спорт фестивали ва Республика гимнастрадаси ўзига хос камолот ва гўзаллик байрамига айланди. ЎЗА муҳбири иштирокчиларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

СЎЗ – ФЕСТИВАЛЬ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Юлдуз НЕЪМАТОВА, Наманган вилояти, Янгикўрғон тумани, уй бекаси:

— Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш борасидаги кенг қўламли ишлар мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам изчиллик билан олиб борилмоқда. Қишлоқларимизда замонавий спорт иншоотлари, соғломлаштириш мажмуалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фойдаланишга топширилмоқда. Улар энг замонавий спорт инвентарлари билан таъминланган. Буларнинг бари аёллар саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, фақат соғлом онадангина соғлом фарзандлар дунёга келади.

Соҳибхон НУРАЛИЕВА, Фарғона вилояти, Фарғона тумани, ҳамшира:

— Республика аёллар спорт фестивалида сузиш бўйича қатнашман. Жисмоний тарбиянинг аёллар саломатлигидаги ўрни ва аҳамияти гўя беқиёс эканини ўзим спорт билан мунтазам шуғулланганча, тобора тереңроқ англаб етдиман. Бир неча йилдирки, Фарғона шаҳридаги «Дельфин» сузиш ҳавзасига қатнашимиз. Катта қизим Мадиноҳам ҳам спортнинг айна шу турига қизиқди. Махалламизда спорт бўйича мусобақалар, беллашувлар, спартакиадалар мунтазам ўтказиб турилади. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар биз, аёлларни ўз саломатлигимизга эътибор ва масъулият билан ёндашишга ундайди.

Раъно ҚОДИРОВА, Бухоро шаҳри, нафақахўр:

— Мазкур фестивалда, қасбу қори ва ёшидан қатти назар, барча аёллар фаол иштирок этаётди. Кўп йиллар иқтисодий соҳасида меҳнат қилганман. Спорт билан шуғулланасан, ўзимни ҳамisha бардам ва тетик ҳис этаман. Фестивалда шахмат бўйича ўз имкониятларини синаб кўрялман. Бу мусобақалар юртимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган она-сингилларимиз билан дўстлашиш, улар ҳаёти билан танишишда алоҳида аҳамият касб этади.

Назозат УСМОНОВА
ёзиб олди.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Йигитликда йиг илимининг маҳзани, Қарилик чоғи сарф қилгил ани.

Авалло, ёшлиқда эгалланган билим тошга ўйилган нақш каби мустаҳкам бўлиши маълум. Қолаверса, кейин ҳаёт ташвишларига кўмилиб, илм эгаллашга фурсат ҳам, имкон ҳам қолмайди. Бора-бора, халқ таъбири билан айтганда, «хотира ҳам айтганни қилмайди».

Мутафаккир шоир Алишер Навоий инсонлик моҳиятини унинг ижтимоий фаолиятида — жамиятга фойдали касб билан шуғулланиши, халққа манфаати тегиши, одамларнинг оғирини енгил қилишида деб билади. Унинг халқ ғамини ўз ғами деб билмайдиган одамни одам қаторига қўшмаслиги бежиз эмас:

**Одаий эрсанг, демагил одами
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами.**

Бу — Навоийнинг инсон ҳақидаги қарашлари тизимида энг муҳим нуқта. Зеро, шоирнинг ўзи ҳам халққа қанча кўп фойданг тега, бу нарсанинг ўзинга фойдаси кўпроқ деган ақида билан яшаган:

**Нафъинг агар халққа бешақдурур,
Билки, бу нафъ ўзунга кўпрақдурур.**

Халқ ҳаётини энг чуқур қатламларига, иқриқчиларига яхши билган, халқ оғзаки ижодидан тўла хабардор шоир ўз асарларида халқ мақол-маталлари, образли ибораларидан кенг фойдаланади, кундалиқ турмушдан олинган ҳаётий ташбиҳларни кўп қўллайди. Ўз навбатида, замонасининг барча илмларини эгаллаган, ҳаётнинг бутун аччиқ-чучуқини тотган донишманд шоирнинг кўрган-кечирганларининг ҳулоаси сифатидаги теран мазмунли лўнда ҳикматлари халқ орасига шунчалик сингиб кетганки, уларнинг қайси бири халқнинг ўзиникию, қайси бири Навоийники эканлигини ажратиб бўлмайди. Мисоллар:

**Билмаганни сўруб ўрганган олим ва
орлиниб сўрамаган ўзига золим.**

**Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
қатра-қатра йигилиб дарё бўлур.**

**Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз.
Айтур сўзни айт, айтмас сўздан қайт.**

**Сихқат тиласанг, кўп ема,
иззат тиласанг, кўп дема.**

**Эр кишига зебу зийнат ҳикмат ва
донишдур.**

Алишер Навоий илк девони «Бадоеъ ул-бидо»-га ёзган дебчасидаёқ адабиёт — тарбия воқити эканлигига урғу бериб, ҳар қандай бадиий асар маърифий фикрлар ва панд-насиҳатдан холи бўлмаслиги кераклигини қайд этиб, жумладан шундай ёзган эди: «Девон топилмагач, анда маърифатомиз бир ғазал топилмагач ва ғазал бўлмагач, анда мавъизатангиз бир байт бўлмагач. Мундоқ девон битилса, худ асру бехуда заҳмат ва зоеъ машаққат тортилган бўлмай». Шундан кейин ўзининг ишқий ғазаллари ҳам маърифий ва фалсафий байтлардан холи эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Айни жиҳатдан шоир мероси — маънавий-ахлоқий тарбиянинг кучли қўралларидан бири. Инсон тарбияси, камолоти масалаларини ўзбек адабиётида ҳеч қим Навоийдек ҳадди аълосида қуйламаган. Шоир орзу қилган комиллик йўли бу, биринчи навбатда, етук одоб-ахлоқ соҳиб бўлиш, жами инсоний эзгу фазилатларни эгаллаш, замонасининг барча илму хунарларини ўзлаштириш, илм ва хунарни бир-биридан ажратмаслик, нафақат маънавий, балки жисмоний жиҳатдан ҳам баркамолликка интилиш, ҳамиша элу юрт хизматида шай туриш, миллатнинг оғирини елкага олиш, Ватанга содиқ фарзанд бўлиш, бурч ва масъулият туйғусини ҳамма нарсдан баланд қўйиш ва ҳоказо.

Навоий барчадан талаб этган ва ҳаммада бўлишини орзу қилган эзгуликларнинг мазмун-мундарижаси шунчалик кўпки, уларни бирма-бир санаб чиқиш учун ҳам лофи билан алоҳида китоб ёзиш керак бўлади. Аслида шоирнинг инсон тарбияси билан боғлиқ ўғит-насиҳатлари, фикр-мулоҳазалари, талаб-кўрсатмалари, орзу-истакларини бир ерга жамлаб, уларни тартиб билан жойлаштириб чиқса, инсоний камолотга эришиш йўллари кўрсатилган ўзига хос назмий дастур, қўлланма вужудга келади.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Спорт янгилликлари

КУРАШЧИЛАРИМИЗ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ СОВРИНДОРИ

Эркин курашчиларимиз — Артур Таймазов ва Заурбек Соҳиев жаҳон чемпионатининг кумуш медалини қўлга киритди, деб хабар беради ЎЗА.



Мамлакатимизда ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етиши йўлида кўп саяёҳаракатлар қилинмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар кўламига назар ташласанг, бунинг гувоҳи бўламиз.

Москва шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин қизлар кураши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида дунёнинг энг кучли курашчилари голиблик учун куч синашди.

Чемпионатнинг энг қизғин беллашувлари оғир вазни полковлар ўртасида кузатилди. Вазни 120 килограммгача бўлган эркин курашчилар мусобақасида юртимиз шарафини икки қарра жаҳон чемпиони, Афина ва Пекин Олимпиадалари голиби Артур Таймазов ҳимоя қилди. Тажирибали спортчимиз беллашувлар давомида озарбойжонлик Али Исаев, жаҳон чемпионати совриндорлари — украиналик Вадим Тасоев ҳамда грециялик Иоаннис Арузамандисни катта устунлик билан енгиб, финалга йўлланма олди.

Ҳал қилувчи финал учрашувида Артур Таймазов икки қарра жаҳон чемпиони Билал Маховга (Россия) кичик ҳисобда имкониятни бой берди ва кумуш медаль билан кифояланди.

Эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатларида 2006 йилдан буён совриндорлар қаторидан жой олиб келаётган Заурбек Соҳиев бу гал ҳам муҳлису мутахассислар ишончини оқлади.

2009 йили Данияда ўтказилган жаҳон чемпионатида 84 килограмм вазн тоифасида олтин медалга сазовор бўлган Заурбек бу йилги мусобақада мўғулстонлик Тугжидорж Дорвачинг, кубалик Перес Салас, арменистонлик Вадим Лалиев ва украиналик Иброҳим Алдатовни мағлубиятга учратди. З.Соҳиев Болгария вакили Михаил Ганевга қарши ўтказилган финал учрашувида рақибига ютқазди ва жаҳон чемпионатининг кумуш медалини қўлга киритди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ

ЎЗБЕК ГРОССМЕЙСТЕРЛАРИ — ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Непалнинг Катманду шаҳрида шахмат бўйича давом этаётган халқаро турнирда дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан эллик нафарга яқин шахматчи голиблик учун куч синашмоқда.

Мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган халқаро гроссмейстер Сайдали Йўлдошев олти имкониятдан тўрт ярим очко жамғариб, иккинчи ўринда бормоқда. Тажирибали спортчимиз турнир давомида непаллик Кешав Шреста, ҳиндистонлик Акшат Хам-

пария, Шарма Химаншу, словениялик Георг Мохрни мот қилиб, ҳинд гроссмейстери Жха Шрирам билан дуранг ўйнади. С.Йўлдошев еттинчи турда мусобақада пешқадами Георгий Тимошенкога (Украина) қарши дона суради. Мазкур баҳсда ўзбек шахматчиси ўзи-

дан ярим очко олдинда бораётган украиналик рақибни устидан ғалаба қозонса, биринчи ўринга кўтарилади.

Халқаро турнирда қатнашаётган гроссмейстеримиз Марат Жумаев ҳам совринли ўринларга даввогарлик қилмоқда. Непаллик

Анил Ражбахак, руминиялик Ионель Лука, бангладешлик Муҳаммад Жавод ва франциялик шахматчи аёл Нино Маисурадзе устидан қозонилган ғалабалар эвазига тўрт очко жамғарган ҳамюртимиз кучли еттиликдан жой олган.

(ЎЗА)



**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,

236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
28x2 тусида босилади.
Қозғоқ бечими А-2

Нашр этилган бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳриринг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмоҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.